

Қуръонни қироат қилишда Фаластин квартетларининг муваффақияти



14:12 / 20.07.2019 2075

Эрон Қуръон ахборот агентлигининг хабар беришича, фаластинлик тўрт нафар 18 ёшли қизлар, Қуддуснинг жанубидаги Уммул Тубо қишлоғидаги кичик уйлардан бирида яшаб келишади. Ўрта мактабдаги муваффақиятли ўқишлари билан бир қаторда улар Қуръони каримни ёд олиш бўйича ҳам катта муваффақият қозонишди.

«13 ёшимизда Абдуллоҳ бин Масъуд Қуръон таълим марказига аъзо бўлиб, Қуръон ёдлашни бошладик ва 17 ёшда биз бутун Қуръонни таҳфиз қилишга муваффақ бўлдик», дейди ушбу тўртликдан бири ҳисобланган Дина исмли қиз.

Дима эса, ўзининг ва дугоналарининг Қуръон дарсларида муваффақият қозонганлиги ҳақида шундай дейди: «Қуръон бизга илм ва вақт неъматини ато этди, Ислом таълимида ва араб тилидаги муваффақиятларимизга ҳам ёрдам берди».

Масжидул Ақсо Фаластин квартетлари учун доимий борадиган ва севимли жойларидан биридир. Фаластинлик дугоналарнинг энг катта орзуси тиббиёт ва муҳандислик соҳаларини ўрганишдир.

Islom.uz портали таҳририяти